

«Тасдиқлайман»
«Ўзтрансгаз» Акциядорлик компанияси
Бошқарув раиси



ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РЕГЛАМЕНТИ
«ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧ КЎРСАТКИЧИНИ КИРИТИШ»

1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Хизмат ҳақида

« Газ ҳисоблагич кўрсаткичини киритиш », яъни "Ўзтрансгаз" веб порталидан рўйхатдан ўтгандан сўнг, "Шахсий кабинет"га кириб, газ ҳисоблагичнинг кўрсаткичини кўриш.

1.2. Хизматнинг соҳага тегишлилиги

Уй-жой ва коммунал хўжалиги.

1.3. Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси

Юридик ва жисмоний шахслар.

1.4. Ташкилот

"Ўзтрансгаз" АК.

1.5. Боғланиш

Манзил: Тошкент шаҳри, 100031, Юсуф Ҳос Хожиб кўчаси 31а уй;
Метро: Космонавтлар ;
Автобус: 140;
Телефон: +998 (71) 239-18-67, +998 (71) 150-31-14, +998 (71) 239 89 65 ;
Веб-сайт: uztransgaz.uz;
E-mail: info@uztransgaz.uz ;

2. ҲУЖЖАТЛАР

2.1. Хизматни кўрсатиш учун керак бўладиган ҳужжатлар

Кўзда тутилмаган.

2.2. Хизматни кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 2014-йил 15-апрелдаги ПҚ-2164-сонли Қарори;

- "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида газдан уй-рўзғорда фойдаланиш қоидалари" Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1997-йил 14-октябрда 370-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

3. МУДДАТЛАР ВА ТЎЛОВ

3.1. Хизмат нархи ва тўлаш тартиби

« Газ ҳисоблагич кўрсаткичини киритиш» - бепул.

3.2. Хизматни кўрсатиш муддати

Доимий онлайн.

4. НАТИЖА

4.1. Натижани олиш усуллари

Онлайн тарзда

4.2. Хизмат натижаси

Хизматдан фойдаланиш учун истеъмолчи (фуқаро) "Ўзтрансгаз" АК веб сайтида рўйхатдан ўтган бўлиши лозим. Истеъмолчи томонидан фойдаланилган газ учун ҳисобланган газ ҳисоблагич кўрсаткичини "Ўзтрансгаз" АК веб порталининг бош саҳифасида (<https://www.uztg.uz/home>) абонентнинг шахсий кабинети орқали онлайн тарзда киритиб, мавжуд ҳисоблагич ҳолати онлайн тарзда янгиланади.